



542 – сонли

2019 йил “29” октябрь

Тошкент шаҳри

**Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш
бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш
ва самарадорлигини ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдикланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг ижросини сифатли таъминлаш, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш хамда олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия тўғрисидаги Низом 1-иловага,

Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия тўғрисида намунавий Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларининг коррупция хавф-хатарига эга ва кўп дуч келадиган фаолият соҳалари хамда уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг руйхати 3-иловага;

Вазирлик фаолиятида манбаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш бўйича Йўрикнома 4-иловага;

Вазирлик тизимида коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳакида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш хамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироқи учун рағбатлантириш тўғрисидаги Тартиби 5-иловага;

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия таркиби 6-иловага;

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш комиссияси аъзоларига ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларни биритириш Рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик ва ҳудудий бошқармалар хамда таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияларида координатор жорий килинсин;

коррупцияга қарши курашиш ишлари бўйича амалга оширилаётан тадбирларнинг узлуксизлигига, тизимлилигига, натижадорлигига, таъсирчанлигига ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслигини олдини олиш мақсадида, комиссиялар координаторларига ўзларининг хизмат вазифаларидан ташқари қўшимча юклама сифатида бошқа ҳар қандай турдаги топшириқлар берилмаслиги катъий этиб белгилансин.

3. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия раиси (полковник А.Муминов) ва аъзолари:

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси координатори вазирлик ва идоралар координаторлари билан мунтазам равища ҳамкорлиги ташкил этилсин;

худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалардаги коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофикаштириш ва амалий ёрдам кўрсатишни тизимили йўлга қўйиш мақсадида, уларга вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия аъзолари бириктирилсин;

хар чорак якуни бўйича комиссия аъзолари ўзларига бириктирилган худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялари томонидан амалга оширилган дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси юзасидан вазирлик комиссияга хисобот бериши таъминлансан;

худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар комиссиялари томонидан дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси бажарилиши ҳолати юзасидан **хар чорак якуни бўйича** Фавқулодда вазиятлар вазирига тахлилий ахборот киритилсан;

коррупцияга қарши курашиш ишлари ҳамда дастурлар ва чора-тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича сусткашликка йўл қўйган масъулларга нисбатан интизомий таъзир чораларини кўриш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирига тақдимнома киритилсан.

4. Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси (подполковник Ш.Хусенов) **2020 йилдан** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси билан ҳамкорликда худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар комиссияси координаторларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида малакасини ошириш ишлари ташкил этилсан.

5. Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқ (командир)лари:

худудий бошқармалар ҳамда таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси тўғрисида намунавий Низом асосида комиссия иш фаолияти ташкил этилсан;

худудий туман (шахар) бўлимларида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия ҳамда комиссия координатори ташкил этилсан;

коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия координатори вазирлик ва идораларнинг худудий тузилмаларидағи координаторлар билан мунтазам равища ҳамкорлик йўлга қўйисин;

хар ой якуни бўйича белгиланган дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси юзасидан вазирлик тизимида коррупцияга карши курашиш бўйича комиссиясига батафсил маълумот киритиб бориши таъминлансин;

хар чорак якуни бўйича ўзларига бириктирилган комиссия аъзоларига дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси юзасидан батафсил хисобот киритиб бориши таъминлансин;

коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аникланиши ва тегишли баҳо берилиши, коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни содир этиш ҳолатларига йўл қўйилиши ҳамда дастурлар ва чора-тадбирлар ижроси таъминланишига биринчи раҳбарларнинг шахсан жавобгарлиги белгилансин.

6. Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2015 йил 19 июнданги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга караш кураш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 186-сонли буйруғининг 1-иловаси, Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил 17 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил 16 октябрдаги 611-сонли буйруғига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 242-сонли буйруғи ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.

7. Ишлар бошқармаси (полковник К.Арипов) мазкур буйруқ худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга химояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин;

мазкур буйруқнинг мазмун ва моҳияти барча шахсий таркибга етказилсин.

8. Мазкур буйруқ талаблари бажарилишини назорат килишини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.б
генерал-лейтенант



Т.Худайбергенов

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2019 йил “29” октябрдаги
54/1-сонли бўйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича комиссия тўғрисида Низом

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармонлари талабларига мувофик Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) тизимида коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш, коррупцияга олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш, коррупция ҳолатлари оқибатларига барҳам бериш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Мазкур Низомнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

янада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда мустахкамлашга қўмаклашиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан унинг оқибатларини бартараф қилиш борасида идоралараро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва кўллаб-куvvatlash;

ҳалоллик ва содиқлик, масъулиятлилик ҳамда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришни рағбатлантириш.

3. Комиссия вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш билан боғлик масалаларни ўрганиш ва умумлаштиришни амалга оширувчи, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги индикаторларини ишлаб чиқиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини таъминлашни мувофиқлаштирувчи жамоатчилик тузилмаси ҳисобланади.

Комиссия таркиби вазир томонидан тасдиқланади ва унинг фаолияти шахсан вазир томонидан назорат қилинади.

4. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарсрларига, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, мазкур Низомга, шунингдек тегишли қонуности норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига амал қиласди.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича таркибий тузилмалар ва ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниклашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлигини оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ҳудудий комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш.

III. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи вазирликнинг ҳудудий комиссиялари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қабул қилиш;

коррупцияга қарши кураш соҳасида вазирликнинг ҳудудий ва таркибий тузилмаларидан Комиссия ваколатига тааллукли бўлган зарур маълумотларни, шу жумладан таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

тегишли давлат органларига коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

коррупцияга қарши кураш соҳасида режада белгиланган тадбирларнинг бажарилишига доир маълумотларни вазирликнинг ҳудудий бошқарма

ва таркибий тузилмаларидан олиш;

коррупцияга қарши кураш ҳақидағи маълумотларни ваколатли органлар эътиборига етказиш, шунингдек ҳаракатларида коррупцияга мойиллик аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш түғрисида хабарнома киритиш;

комиссия фаолиятининг муҳим масалалари юзасидан ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гурухлари тузиш, шунингдек ушбу комиссиялар ва гурухлар ишига мутахассисларни жалб этиш.

Комиссия қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Комиссия қўйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг коррупцияга қарши курашишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қарорларини ижро этиш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ва мониторингни амалга ошириш;

вазирлик таркибий тузилмалари ва ҳудудий бошқармаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялари фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаб бориш.

Комиссиянинг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

8. Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан тасдиқланади.

9. Комиссия фаолиятига Вазирнинг фавқулодда вазиятлар профилактикаси соҳаси бўйича ўринбосари раҳбарлик килади (*Ушибу вазифа Вазир буйруги билан бошқа ўринбосарлар зиммасига ҳам юклатилиши мумкин*), унинг ваколатига қўйидагилар киради:

Комиссия мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларини чақириш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Комиссия аъзоларининг комиссия зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

ҳудудий комиссияларнинг иш фаолиятини йил якунин бўйича баҳолаш;

Комиссия фаолиятини самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга ошириш.

10. Комиссия аъзолари:

Комиссия мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни мухокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

коррупцияга қарши курашни таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича Комиссияга таклифлар киритадилар;

Ўзларига бириктирилган вазирлик худудий бошқармалари ва таркибий тузилмаларнинг коррупцияга қарши курашиб тизими бўйича иш фаолиятини назорат қиласиди ва чорак якуни бўйича ўтказиладиган комиссия мажлисларида ҳисобот беради.

Комиссия муҳокама қиласидиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

11. Комиссия ўз фаолиятини тасдиқланган режага мувофиқ доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказади. Комиссия раҳбари томонидан унинг аъзоларининг навбатдан ташқари мажлис ўтказиш учун сабаблари ва асослари баён қилиниши керак бўлган ёзма илтимосига асосан навбатдан ташқари мажлис чакирилиши мумкин.

Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган, Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Комиссия аъзолари алоҳида фикр билдириш ҳукуқига эга.

12. Комиссия мажлисини унинг раҳбари олиб боради. Комиссия раҳбари бўлмаган тақдирда мажлисни раҳбар ўринбосари бошқаради.

Комиссия мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандан ваколатли ҳисобланади.

Мажлис ўтказиш учун кворум бўлмаганда Комиссиянинг янги мажлис ўтказиш санаси эълон қилинади. Янги мажлис ўтказишда унинг кун тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

13. Комиссия мажлисига унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг аҳамиятига кўра ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

V. Комиссиянинг ишчи органи, координатори ва котиби

14. Комиссиянинг ишчи органи функциясини комиссия аъзолари ва координатор (кейинги ўринларда - ишчи орган деб юритилади) бажаради.

15. Ишчи орган қўйидагиларни амалга оширади:

Комиссиянинг иш режасини ишлаб чиқиш, Комиссия муҳокамасига киритиш, тасдиқланган иш режасининг ижросини назорат қилиш;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар, маълумотлар ва эксперт хулосаларини олиш;

Комиссия мажлисининг кун тартиби масаласи бўйича таҳлилий материаллар тайёрланишини ва мажлисни ўтказилишини ташкил этиш;

келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиши ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш;

Комиссия кўриб чиқиши учун унинг карорига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади.

16. Комиссия координатори:

Координатор бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади, унга худудий бошқарма ва таркибий тузилмалар бириктирилмайди;

коррупцияга қарши курашиш Республика идоралараро комиссиясининг топшириқ ва кўрсатмаларини вазирлик комиссиясида ижрога қаратилишини таъминлайди;

Координатор давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий координаторлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

худудий комиссиялардан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар, шу жумладан таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни олади ва уларни умумлаштиради;

давлат органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ижобий усусларини вазирлик тизимларида жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар киритади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг идоравий координаторлар фаолиятига боғлиқ бўлган топшириқ ва вазифалари ижросини таъминлайди;

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ишлар юзасидан Республика идоралараро комиссиясига ҳисоботларни тақдим этади ва мажлисларида иштирок этади.

17. Комиссия котиби:

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур хужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил қилади;

Комиссия раҳбари билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади;

Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссия қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини кўриб чиқиши учун Комиссиянинг мажлисига тақдим этади;

Комиссия мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

VI. Комиссия томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиши

18. Комиссия қарори мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раҳбарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳукуқига эга.

19. Комиссия раҳбари қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Комиссиянинг алоҳида масалалар бўйича Комиссия аъзолари билан келишилган қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

20. Комиссия қарорлари Комиссия мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади. Комиссия мажлиси баённомасига унинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, у котиб томонидан имзоланади, Комиссия раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Комиссия баённомаси ва унга тегишли материаллар ишчи органда сақланади.

22. Комиссиянинг ишчи органи ва координатори Комиссия қарорларининг бажарилишини мунтазам равища үрганадилар ва кўриб чиқадилар, зарурият бўлганда Комиссия раҳбарига тегишли таклифлар киритадилар.

23. Комиссия қабул қилинган карорларнинг бажарилиши аҳволини ўз мажлисларида мунтазам равища кўриб чиқади.

24. Комиссиянинг иш тартиби Регламентда белгиланади. Регламент Комиссия томонидан қабул қилинади.

VII. Идоралараро ҳамкорлик

25. Коррупцияга оид жиноятларга қарши курашиб учун қўлланиладиган қонуний чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида вазирликнинг ички ҳукуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ тарзда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан якиндан ҳамкорлик қиласди.

26. Вазирлик тузилмалари жиноят деб тан олинган бирор бир жиноий ҳатти-ҳаракатларда иштирок этаётган ёки иштирок этган шахсларни ваколатли органлар учун тергов ишларини олиб бориш ва исботлаш мақсадида фойдали бўлган маълумотларни тақдим этишга ва кескин чоралар кўрилишига кўмаклашувчи амалий ва аник ёрдам беришга рағбатлантиришни кўзда тутувчи тегишли чораларни кўради.

27. Комиссия жиноят деб тан олинган бирор бир коррупцияга доир жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш давомида салмоқли даражада ҳамкорлик қиласди вазирлик ходими бўлган айбланувчи шахсга нисбатан қўлланиладиган жазони юмшатиш имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги таклифлар киритиш масаласини кўриб чиқади.

VIII. Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар амалга ошириш фаолиятини баҳолаш

28. Худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларда коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш алоҳида Низом асосида амалга сширилади.

29. Комиссия ўзининг баҳолаш фаолияти якунлари бўйича маълумотларни тасдиқлаган ҳолда Вазирлик раҳбариятига тақдим этади.

IX. Якунловчи ҳолатлар

31. Мазкур Низом кучга киритилгач, кейинчалик заруратга қараб, тузатишлар, ўзгартишлар киритилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2019 йил “29” октябрдаги
542-сонли буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
бошқармасида коррупцияга қарши
кураш бўйича комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармон, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2019 йил “_____” даги _____-сонли буйруги талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги _____ вилоят бошқармасида (кейинги ўринларда бошқарма деб юритилади) коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш, коррупцияга олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия бошқармада коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва умумлаштиришни амалга оширувчи, коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, юкори турувчи органлар томонидан коррупцияга қарши ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва вазифалар ижросини таъминловчи жамоатчилик тузилмаси ҳисобланади.

2. Мазкур Низомнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

янада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан унинг оқибатларини бартараф қилиш борасида идоралараро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-куватлаш;

халоллик ва содиқлик, масъулиятилик ҳамда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришни рағбатлантириш.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг буйруқларига ҳамда мазкур Низомга, шунингдек тегишли қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатларига амал қилади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари

4. Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Бошқармада коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ва худудий комиссиялар билан ҳамкорликни таъминлаш;

доимий ва ўзгарувчан таркибнинг хуқукий онги ва хуқукий маданиятини юксалтиришга, бошқармада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлигини оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва вазирлик комиссиясига юбориш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

коррупцияга қарши курашиш буйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги комиссияси топшириқлари ижроси таъминлаш.

III. Комиссиянинг хуқуқ ва мажбуриятлари

5. Комиссия қўйидаги хуқуқларга эга:

коррупцияга қарши кураш соҳасида бошқарма худудий бўлимлардан Комиссия ваколатига тааллукли бўлган зарур маълумотларни, шу жумладан таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

Вазирлик комиссиясига коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини ва хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

коррупцияга қарши кураш соҳасида режада белгиланган тадбирларнинг бажарилишига доир маълумотларни бошқарма худудий бўлимларидан олиш;

харакатларида коррупцияга мойиллик ҳолатлари аниқланган ходимлар тўғрисида вазирлик комиссиясига маълумотлар тақдим этиш;

комиссия фаолиятининг муҳим масалалари юзасидан ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш.

Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Комиссия қуидагиларга мажбур:

Вазирлик комиссияси томонидан юборилган хужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ва мониторингни амалга ошириш;

Ҳар ойнинг якуни бўйича вазирлик комиссиясига амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот ва ҳар чорак якуни бўйича ҳисбот хужжатлари тақдим қилиш;

Комиссиянинг зиммасида қонун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

7. Комиссиянинг аъзолари бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Комиссия аъзолари етти нафардан кам бўлмаслиги шарт.

8. Комиссияга бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади, унинг ваколатига қуидагилар киради:

бошқарма худудий бўлимларига комиссия аъзоларини бириктиради;

бошқарма худудий бўлимларида коррупцияга қарши курашиш комиссияси фаолиятини ташкил қилиш;

Комиссия мажлислари қун тартибини белгилаш ва мажлисларини чақириш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш;

Комиссия аъзоларининг комиссия зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Комиссия фаолиятини самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга ошириш.

9. Комиссия аъзолари:

Комиссия мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

коррупцияга қарши курашни таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича Вазирлик комиссиясига таклифлар киритадилар;

ўзига бириктирилган бошқарма худудий бўлимларида коррупцияга қарши курашиш комиссиясининг бу борадаги ишларини тўғри ташкиллаштирилиши, кўрсатма ва топширикларни бажарилишига амалий ёрдам беради ва чорак якуни бўйича ўтказиладиган комиссия мажлисларида ҳисбот беради;

Комиссия муҳокама қиладиган масалалар бўйича хулосалар берадилар.

10. Комиссия ўз фаолиятини тасдиқланган режага мувофик доимий асосда амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказади. Комиссия раиси томонидан унинг аъзоларининг навбатдан ташқари мажлис ўтказиш учун сабаблари ва асослари баён қилиниши керак бўлган ёзма илтимосига асосан навбатдан ташқари мажлис чақирилиши мумкин.

11. Комиссия қарорлари мажлисда иштирок этган Комиссия аъзолари

томонидан имзоланадиган, Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани имзолашда Комиссия аъзолари алоҳида фикр билдириш ҳукуқига эга.

12. Комиссия мажлисини унинг раиси олиб боради, комиссия раиси бўлмаган тақдирда мажлисни раҳбар ўринбосари бошқаради.

13. Комиссия мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади;

14. Мажлис ўтказиш учун кворум бўлмагандага Комиссиянинг янги мажлис ўтказиш санаси эълон қилинади. Янги мажлис ўтказишда унинг кун тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилмайди;

15. Комиссия мажлисига унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг аҳамиятига кўра ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

V. Комиссиянинг ишчи органи, координатори ва котиби

16. Комиссиянинг ишчи органи функциясини комиссия аъзолари ва координатор (кейинги ўринларда - ишчи орган деб юритилади) бажаради.

17. Ишчи орган қўйидагиларни амалга оширади:

Комиссиянинг иш режасини ишлаб чиқиш, Комиссия муҳокамасига киритиш, тасдиқланган иш режасининг ижросини назорат қилиши;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш ва манфаатдор ташкилотлардан зарур материаллар, маълумотлар ва эксперт хulosаларини слиши;

Комиссия мажлисининг кун тартиби масаласи бўйича таҳлилий материаллар тайёрланишини ва мажлисни ўтказилишини ташкил этиш;

келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш;

Комиссия кўриб чиқиши учун унинг қарорига мувоғик бошқа материалларни тақдим этади.

18. Комиссия координатори:

Координатор бир вақтнинг ўзида комиссия аъзоси ҳисобланади, унга худудий бўлимлар бириктирилмайди;

Вазирлик ва худудий идоралараро коррупцияга қарши курашиш комиссияларининг топшириқ ва кўрсатмаларини ижрога қаратилишини таъминлайди;

Координатор давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий координаторлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди;

худудий бўлим комиссияларидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар, шу жумладан таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни олади ва уларни умумлаштиради;

давлат органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ижобий усулларини вазирлик тизимларида жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар киритади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик комиссиясининг идоравий координаторлар фаолиятига боғлиқ бўлган топшириқ ва вазифалари ижросини таъминлайди;

худудий бошқармада коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисботларни тайёрлайди ва вазирлик комиссиясига ҳисботларни юборилишини таъминлайди.

17. Комиссия котиби:

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур хужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил қиласди;

Комиссия раиси билан мажлис ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар рўйхатини келишади;

Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қиласди;

Комиссия қарорлари ҳамда Вазирлик Комиссияси қарорлари ижроси мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини кўриб чиқиш учун Комиссиянинг мажлисига тақдим этади;

Комиссия мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради.

VI. Комиссия томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиши

18. Комиссия қарори мажлисида қатнашаётган аъзоларнинг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равища билдириш хукуқига эга.

20. Комиссия раҳбари қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Комиссиянинг алоҳида масалалар бўйича Комиссия аъзолари билан келишилган қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаци мумкин.

21. Комиссия қарорлари Комиссия мажлиси баённомаси билан расмийлаштирилади. Комиссия мажлиси баённомасига унинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, у котиб томонидан имзоланади, Комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

22. Комиссия баённомаси ва унга тегишли материаллар ишчи органда сақланади.

23. Комиссиянинг ишчи органи ва котиби Комиссия қарорларининг бажарилишини мунтазам равища ўрганадилар ва кўриб чиқадилар, зарурият бўлганда Комиссия раисига тегишли таклифлар киритадилар.

24. Комиссия қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши аҳволини ўз мажлисларида мунтазам равища кўриб чиқади.

25. Комиссиянинг иш тартиби Регламентда белгиланади. Регламент Комиссия томонидан қабул қилинади.

VII. Идоралараро ҳамкорлик

26. Коррупцияга оид жиноятларга қарши курашиш учун қўлланиладиган қонуний чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида бошқарманинг ички хуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофик тарзда ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қиласди.

VIII. Ҳудудий бўлимларда коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар амалга ошириш фаолиятини баҳолаш

28. Ҳудудий бўлимларда коррупцияни олдини олишга доир чоратадбирларни амалга оширилишини мониторинг қилиши ва баҳолаш алоҳида Низом асосида амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2019 йил “29” октябрдаги
54-сонли буйругига 3- илова

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларининг
коррупция хавф-хатарига эга кўн дуч келадиган фаолият соҳасари ва
уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхати**

1. Ташкилий-назорат соҳасида:

а) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимларида комплекс, назорат ва максадли текширувлари ташкил этиш ва ўтказиш, текширишда иштирок этиш.

2. Кадрлар соҳасида:

а) ҳарбий хизматчиларни хизматга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, ротация қилиш ва маҳсус унвонлар бериш каби вазифаларни амалга ошириш;

б) хизматчиларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш;

в) ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш, юкори турувчи давлат органларига рағбатлантириш учун ёки давлат мукофотига тавсия этиш;

г) ҳарбий хизматчиларни малака ошириш максадида хорижий давлатларга хизмат сафарларини ташкил этиш;

д) ходимларга хизмат ва меҳнат таътиллари бериш.

е) номзодларни ишга қабул қилиш, шахсий таркибдан синовларни қабул қилиш ва ходимларга тоифа бериш масалаларини текширишда иштирок этиш;

3. Таълим соҳасида:

а) вазирлик тасарруфидаги таълим муассасаларида номзодларни дастлабки қабул қилиш жараёнларида қабул комиссиялари фаолияти;

б) курсант ва тингловчилар ўргасида ташкил этиладиган курсдан курсга ўтказиш ҳамда битирув малакавий имтиҳонлари жараёни;

в) аюло баҳоларга ўкувчи ва намунали хулққа эга бўлган курсантлар учун “вазир стипендияси”ни берувчи комиссия фаолияти;

г) фанлар бўйича курсант ва тингловчиларни билимини ўқитувчилар томонидан баҳолаб бориши фаолияти (синов, оралиқ ва якуний назоратлар)

д) ўкув йили якуни бўйича фанлардан имтиҳон олиш юзасидан тузиладиган комиссия фаолияти;

е) таълим муассасаларида саф қисми ходимлари томонидан тингловчи ва курсантлар устидан кунлик назорат фаолияти (қиска муддатли таътиллар бериш, турли кўринишдаги моддий манбаатдорлик эвазига хизматини енгиллаштирадиган тарзда шароитлар яратиб бериш, турли ноконуний топшириклар бериш)

ж) тингловчиларнинг бошлангич тайёргарлиги, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

4. Молия-иктисодиёт соҳасида:

а) вазирлик тизимида давлат харидларини амалга ошириш бўйича тендер хужжатларини шакллантириш, товарлар, ишлар ва хизматлар хариди бўйича шартномалар тузиш фаолиятини амалга ошириш;

б) аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш;

в) бюджет ва маҳсус жамғарма маблағларини таксимлаш тўғрисидаги карорларни тайёрлаш;

г) фавқулодда вазиятлар вазирлиги мансабдор шахсларининг харажатларини назорат қилиш ва ходимларни ижтимоий-иктисодий таъминлашни ташкил этиш.

5. Капитал қурилиш соҳасида:

а) вазирлик тасарруфидаги бино ва иншоатларни қуриш ҳамда таъмирлаш юзасидан ишларни ташкил этиш;

б) қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш учун танлов ва тендер комиссияси фаолияти.

6. Моддий-техника таъминот соҳасида:

а) давлат харидларини амалга ошириш, моддий техник ресурсларни, кийим-кечак, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, автомобиль техникалари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини саклаш ва таъсимилаш фаолияти;

б) юридик шахслар билан тузиладиган олди-сотди шартномаларини тузишда ракобат масалаларига эътибор бермаслиқ;

в) моддий техник ресурсларнинг тоифасини ўзгартариш, хисобдан чиқариш фаолияти.

7. Фавқулодда вазиятлар вазирлигидаги назоратни амалга ошириш соҳаси:

а) фуқаро муҳофазаси, ахоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан химоя қилиш тўғрисидаги конунчиллик талабларига риоя қилинишини объектларда текшириш фаолияти;

б) ёнғинлар профилактикасини тўғри ташкил этиш, объектларда ёнғин ҳавфсизлигига талабларига риоя қилиниши юзасидан текшириш ва хулоса бериш фаолияти;

в) вазирлик тузилмалари томонидан пулшик хизмат кўрсатиш фаолияти;

г) вазирлик тузилмалари томонидан қурилиш объектлари, казиб олиш (карьер) ишлари бўйича хулоса бериш фаолияти.

8. Уй-жойдан фойдаланиш соҳасида:

а) ҳарбий хизматчиларга хизмат уйлари ажратилиши, таксимланиши, уй-жойга эҳтиёжи борлар рўйхати шакллантирилиши;

б) ҳарбий хизматчиларга турар-жой учун ижара тўловлари белгиланиши;

в) бино ва иншоатларни фойдаланиш учун ижарага бериш фаолияти;

г) хизмат турар жойларини вазирлик хисобидан чикариш фаолияти.

9. Суриштирув ва маъмурй амалиёт соҳасида:

- а) маъмурий хукуқбузарлик ишларини рўйхатга олиш, кўриб чикиш ва тугатиш;
- б) терговга қадар текширув ва суриштирув харакатларини олиб бориш, хужжатларни расмийлаштириш ва жиноят иши қўзгатишни рад этиш тўғрисидаги карорларни кабул килиш;
- в) ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий хукуқбузарликлар учун жарима кўллаш амалиёти;
- г) ходимларнинг ҳатти-харакатлари юзасидан хизмат текшируви ўтказиш фаолияти.

10. Меъёрий техник бўлим соҳасида:

- а) курилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиясининг, шунингдек курилиши (реконструкцияси) тугалланган обьектларни фойдаланишга кабул килиб олиш комиссияларининг ишида иштирок этиш;

11. Вазирлик таркибидаги ҳарбий қисм фаолияти бўйича:

- а) муддатли ҳарбий хизматчиларни юридик шахслар билан тузилган тўлов шартнома асосида меҳнатга жалб қилиш;
- б) офицер ёки сержантлар таркиби томонидан муддатли ҳарбий хизматчиларни назорат килиш фаолияти (аскарлардан турли кўринишдаги моддий манфаатдорлик кўриш учун ноконуний топшириклар бериш, аскарлар ўртасида Низомга зид муносабатлар юзага келганда яшириш, моддий манфаатдорлик эвазига аскарларга киска муддатли таътил бериш ёки фойдаланиш тақиқланган буюмларни ва истеъмол килиш мумкин бўлмаган озиқ-овкат маҳсулотларни олиб келиш);
- в) аскарларга ҳарбий хизмат якуннида олий таълим муассасаларига кириш учун бериладиган имтиёз (хизмат давомида фахрий ёрликлар, балл берубориши, баҳолар қўйиб борилиши, ҳарбий қисмда имтиёз учун ўтказиладиган имтиҳонларга кириш учун рухсат бериш ва имтиҳон олиш);
- г) ҳарбий хизматни келгусида ҳарбий қисмда давом эттириш истагини билдириган аскарларга ҳарбий-касбий танлов имтиҳонларини ўтказиш фаолияти;
- д) аскарларга бериладиган пул тўловлари (хар ойлик тўловлар ва хизмат якуннида базавий хисоблаш микдорининг 16 баравари микдорида бериладиган тўловлар);
- е) офицерлар ва сержантлар таркиби томонидан ҳарбий қисмда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш (аскарларга ҳарбий нишон белгиларни сотиш).

12. Юридик хизмат соҳасида:

- а) давлат манбаатларини ва судларда вазирлик тузилмалари манбаатларини ҳимоя килишда иштирок этиш.

13. Молия-хўжалик аудити соҳасида:

- а) вазирлик тузилмаларида молиявий хўжалик фаолияти юзасидан тафтиши ўтказиш фаолияти;
- б) ички молиявий аудит ва сотиб олиш соҳасидаги идоравий назорат бўйича йиллик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда аудитни амалга ошириш натижалари бўйича хисботни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2019 йил “19” октябрдаги
541-сонли буйруғига 4-илова

Вазирлик фаолиятида манфаатлар тұқнашуви холатларининг олдини олиш бүйіча

ЙҰРИҚНОМА

1. Вазирлик ходимлари үз хизмат вазифаларини тұғри, виждонан ва қонуний тарзда амалга оширишлари, үз фаолиятларида манфаатлар тұқнашуви холатларига йүл қўймасликлари, үз хизмат мавқеидан ва ўзига берилган ваколатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланмасликлари шарт. Манфаатлар тұқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари йўлида үз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган холатларда пайдо бўлади.

2. Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармөнлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишини үз ичига олади.

3. Манфаатлар тұқнашуви юзага келган тақдирда ходим бу ҳақда үз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт ва унинг мурожаати ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилиши лозим. Ходимнинг бу борадаги ёзма ва оғзаки мурожаати бир хил аҳамиятга эга.

4. Вазирлик тизимидағи комиссиялар таркибида кўрилиши лозим бўлган ҳар бир масала юзасидан комиссия раҳбари манфаатлар тұқнашуви юзага келишининг олдини олиш мақсадида комиссия кун тартибидаги масалага даҳлдор шахслар билан комиссия аъзоларининг алсқадорлигини аниқлаб, тегишли чораларни кўриши шарт.

5. Ходимлар ўзларининг үз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарап етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимини эгалламаслиги керак.

7. Шахсий таркиб ҳар қандай ҳолатларда ҳам үз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

8. Шахсий таркиб лавозимига тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўгрисида маълум қилиши шарт.

Фавқулодда вазиятлар вазириининг
2019 йил “___” октябрдаги
—сонли бўйргугига 5- иловга

Вазирлик тизимида коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироқи учун рағбатлантириш тўғрисидаги

ТАРТИБ

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Конунийин амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-2752-сон карори ҳамда 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5729-сон Фармони талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Фавқулодда вазиятлар вазирилиги тузилмаларида коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироқи учун рағбатлантириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий коидалар

1. Мазкур Тартибда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

Фавқулодда вазиятлар вазирилиги тузилмалариининг коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияси раиси (бундан бўён матнда комиссия раиси деб юритилади) – Фавқулодда вазиятлар вазирилиги вазир ўринбосари, ҳудудий бошкармаларида - ҳудудий бошкармалар бошликлари;

таркибий тузилма – Фавқулодда вазиятлар вазирилиги Ёнгин хавфсизлиги институти, Фукаро муҳофазаси институти, Махсус мухандислик курилиши бошқармаси (99951-х/к), “Хавфсиз дарё” ДУК, Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази, “Камчик” МҚҚБ, ТҲҚРКТМ;

ваколатли ходим – коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида келиб тушган мурожаатлар, хабарлар, маълумотларни кўриб чиқиш ва текшириш ваколатига эга бўлган ҳудудий прокуратура органлари ходимлари;

рағбатлантириш – ходимни коррупцияга оид хукуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштироқи, юксак касбий маҳорати, конунийлик талабларига риоя этиши ҳамда қасамёдга содик бўлиш борасида намуна кўрсатганилиги учун кўллаб-куватлаш максадида тақдирлаш.

2-боб. Коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш

2. Фавқулодда вазиятлар вазирилиги тузилмалари ходими (бундан бўён матнда ходим деб юритилади) конун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки

хизмат мажбуриятларини бегараз, холисона, вижданан, одоб-ахлоқ коидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир хукуқбузарликни содир этишдан ёки бундай хукуқбузарликни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошка ҳар қандай харакатлардан ўзини тийиши шарт.

3. Ҳудудий бошкарма ва таркибий тузилма раҳбарлари коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этилишининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўришилари лозим:

ўзи раҳбарлик қилаётган ҳудудий бошкарма ва таркибий тузилмада коррупцияниң ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

кўл остидаги ходимларига коррупция ҳолатларини аниқлашда шахсан ўрннак бўлиши;

кўл остидаги ходиминга раҳнамолик (асосиз рағбатлантириш ва лавозимни кўтариш), шунингдек ножӯя ишларига бешарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, хукукка зид харакатларга эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл кўймаслик;

ҳудудий бошкарма ва таркибий тузилма фаолиятини тизимли таҳлил килиб, коррупцияга оид хукуқбузарликларни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш ва шарт-шароитларни бартараф этишининг тъясирчан чораларини кўриб бориши.

Ҳудудий бошкарма ва таркибий тузилма раҳбарлари ваколат доирасида коррупцияга оид хукуқбузарликларни олдини олиш юзасидан бошка чораларни ҳам кўриши мумкин.

3-боб. Коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш

4. Ходимларни коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш максадида мурожаат килинганилиги ҳақида мазкур Тартибининг I-иловасида келтирилган шакл асосида комиссия раиси ёки тўғридан-тўғри фавқулодда вазиятлар вазири номига ёзма равища билдириг бидан дархол хабар берилади.

5. Билдиригда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

ходимнинг хизмат жойи, лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;

коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаётган шахсга оид ёки унинг шахсини аниқлашга кумаклашувчи маълумотлар ва бошқалар;

коррупцияга оид хукуқбузарликнинг моҳияти (мансаб лавозимини сунистеъмол килиш, пора олиш ва бошка жинонӣ ҳаракатларни содир этишга ундаш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва бошқалар);

коррупцияга оид хукуқбузарликка ундаш усули (муайян хизмат ёки моддий қимматликлар таклиф килиш, ўзига оғдиришга ҳаракат килиш ва бошка ҳолатлар);

коррупцияга оид хукуқбузарлик тайёрланаётган, содир этилиши кутилаётган, содир этилган жой;

коррупцияга оид хукуқбузарликка ундаш холати тафсилотлари (телефон алоқа воситаси, сұхбат жараёни, шахсий мулокот, пошта жүннатмаси оркали ва бошқалар).

6. Ходимларни коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш мәксадыда килинган барча мавжуд материаллар билдиргига илова килинади ва ўрнатылған тартибда расмийлаштирилади.

7. Ходим томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш хакида оғзаки хабар берилганды, мазкур хабарни қабул килған ходим томонидан билдирги билан комиссия раиси ёки түгридан-тұгри фавқулодда вазиятлар вазирига хабар берилади.

8. Ходимга ўз хизмат мавкеидан фойдаланған холда жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг маңбаатларини күзлаган холда муайян харакатни бажариши ёки бажармаслығы эвазига бевосита ўзи ёки воситачи оркали пул, кимматбақо коғозлар, мөддий бойликлар, совғалар, ссудалар, мулкий аҳамияттаға молик бүлған хизматлар, шу жумладан, транспорт воситасидан фойдаланиш, даволаниш ва бошқалар каби таклифлар билан мурожаат килинган тақдирда, у ноконуний хатты-харакатларни тұхтатишина тараба беріледі.

9. Ходимнинг огохлантиришига карамасдан пул ёки бошка мөддий бойликлар конунга хилоф равища уннинг хизмат хонасида ёки бошка жойда колдириб кетілген тақдирда, бу хакда бинога кириш-чикиш назорат шының жойида хизмат үтәтген шахс (күрикшілшік) да оғзаки хизматчи ёки навбатчылық кисми ходимлари) ва бошка шахслар иштирокида далолатнома түзилади. Ушбу далолатнома билдиргига илова килинган холда дархол раҳбариятта тақдим этилади.

10. Ходимлар хизматдан ташқари ёки иш жойида бүлмаган пайтларда коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш холати хакида хар қандай алоқа воситаси оркали зудлик билан Навбатчылық кисми ёки кадрлар бүлими ходимларига маълум килади ва бу хакида бир сутка мобайнода белгиланған тартибда комиссия раиси ёки түгридан-тұгри фавқулодда вазиятлар вазири номига ёзма равища билдиригі билан хабар берилади.

11. Ходимларға нисбатан тайёрланаётган, содир этилиши күтилаётган ёки содир этилген коррупцияга оид хукуқбузарликларға ундан шолатлары бошка бир фавқулодда вазиятлар вазирилігі ходимига маълум бўлса, бирор, ушбу ходим комиссия раисини ўз вактида хабардор килмаса, амалдаги конунчилек нормаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

12. Тайёрланаётган, содир этилиши күтилаётган ёки содир этилген коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш бўйича олинган маълумотни текшириш ва конуний тұхтамға келиш учун билдирги ва унга илова килинган барча хужжатлар комиссия раиси ёки вазирнинг муносабат белгиси билан ваколатли ходимга топширилади.

13. Ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш холатлары хакидағы мурожаатларни рўйхатта олиш, хисобини юритиш мәксадида

вазирлар Марказий аппарати терговга кадар текширув ўтказувчи мансабдор шахслар гурухи раҳбари, худудий бошқарма бошликларининг ўринбосари (кадрлар ва тарбиявий-мағфуравий ишлар бўйича) ва таркибий тузилмаларнинг кадрлар бўлими, шунингдек худудий туман (шахар) фавқулодда вазиятлар бўлими бошлигининг ўринбосари томонидан мазкур Тартибининг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Китоб (бундан бўён матнда - Китоб) юритилади ва белгиланған тартибда сакланади.

14. Китоб катъий хисобот хужжати хисобланиб, иш юритиш коидаларига мувофиқ расмийлаштирилади ва Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (гурухи) томонидан рўйхатдан ўтказилади.

15. Китобда хабар берган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш холатининг кисқача мазмуни ва тавсифи, мөддий ёки мулкий наф кўриш микдори, холат юзасидан текширув ўтказган ваколатли ходим, қабул килинган якуний карор хамда ходимлар томонидан етказилган билдирги рўйхатдан ўтказилади.

16. Ходимнинг билдиригини қабул килиш ёки рўйхатга олишдан бош тартишига йўл кўйилмайди.

17. Китобда хабар килаётган ходимнинг шахсий ҳаёти хакида ошкор бўлған маълумотлар, шахсий ёки оиласиб сирларини акс эттириш тақиқланади.

18. Китоб ўн йил давомида девонхонада сакланади ва тегишли тартибда архивга топширилади.

19. Коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш холатлари хакида хабар берган ходимлар түғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл кўйилмайди.

4-боб. Билдиригиде баён этилген коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш түғрисидаги маълумотларни кўриб чиқишини ташкил этиш тартиби

20. Билдиригиде акс эттирилган маълумотларни кўриб чиқиши, текшириш ёки зарурат бўлғандага билдиригиде кўрсатилған холатлар юзасидан тезкор - килирув тадбирларини амалга оширишини ташкиллаштириш учун тегишли комиссия раисининг топширигига кўра тўпланған хужжатлар худудий прокуратура органларига юборилади.

21. Билдиригиде баён этилген маълумотлар тегишли тартибда худудий прокуратура органдан кўриб чиқилади.

5-боб. Коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олиш ва унга карши курашишда фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш

22. Ходимларнинг коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш ва унга карши курашишнандағы фаол иштирокини рағбатлантиришнинг асосий мәқсади куйидагилардан иборат:

фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларида коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этилишини олдини олишда ва унга карши курашишда фаол иштирок этган, хукукбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга асосли таклиф ва ташабbusларни тақдим этган, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича салмоқли илмий хисса қўшган, хизмат фаолияти давомида юксак даражада намуна кўрсатган ва ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, вижданон бажарган ходимларни рағбатлантириш;

ходимларнинг коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этилишини олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш.

23. Ходимлар коррупцияга оид хукукбузарликлар ҳакида мурожаат этиб, хукукбузарликлар (жиноят)ни олдини олиш, тўхтатиш ва уни тўлик фош этишда фаол иштирок этганилиги учун, ходимнинг бевосита раҳбари томонидан фавқулодда вазиятлар вазири номига киритилган тақдимнома асосида рағбатлантирилади. Ходимларни рағбатлантириш вазирнинг ваколати доирасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

24. Куйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ходимлар рағбатлантирилиши мумкин:

ходимларга нисбатан қасдан содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид хукукбузарликнинг олди олиниши ёки тўхтатилиши;

тайёргарлик қўрилаётган коррупцияга оид ёки бошка хукукбузарликлар ҳакида хабар бериши натижасида жиноят фош этилиши;

жиноятни тўхтатилиши ва уни тўлик фош этишда хукукни муҳофаза қилувчи органларга фаол қўмаклаши;

ахоли ўртасида коррупцияга оид хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот ва профилитик тадбирларда фаол иштирок этиши;

коррупцияга оид хукукбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга таклиф ва ташабbusларни тақдим этилиши, шунингдек ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши.

25. Ходими рағбатлантириши, юқори лавозимларга ёки давлат мукофотларига тавсия килишда унинг коррупцияга оид хукукбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашдаги фаол иштироки асосий мезон сифатида инобатга олинади.

6-боб. Яқуний қондалар

26. Мазкур Тартиб талабларини бузилишида айборд бўлган шахслар конун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларида коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳакида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рафбатлантириш тўғрисидаги Тартибга 1-илова

(ФВВ тузилмаси номи)

(раҳбарининг лавозими, унвони, исми,
фамилияси ва отасининг исми)

БИЛДИРГИ

Мени коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида,

(коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга ундаётган шахсга доир барча
маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқалар)
томонидан қилинган мурожаат тўғрисида хабардор қиласман.

Менга нисбатан,

(хукуқбузарлик тайёрланаётган, содир этилиши кутлаётган, содир этилган жой,
тахмин қилинаётган хукуқбузарлик моҳияти кўрсатилади)
амалга оширилди.

Коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этишга
ундаш,

(муайян хизмат ёки моддий қимматликлар тақлиф қилиши, ўзига оғдиришга ҳаракат
қилиши, уяли алоқа воситаси, сұхбат жасаёни, шахсий мулокот, почта жұнатмаси
ва бошқалар орқали)

рўй берди.

Юкоридагиларни инобатга олиб, хукуқбузарликларни содир этишга
ундаётган шахсга нисбатан қонуний чора кўришингизни сўрайман.

(Ф.И.Ш. лавозими ва санаси)

(имзо)

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларида коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари хақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чикиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги Тартибга 2-илова

Ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари хақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш

КИТОБИ*

Юритилиш бошланди:

20 ____ йил “__” ____

Юритилиш туталланди:

20 ____ йил “__” ____

(китобнинг биринчи қисми)

Т/Р	Пора таклиф қилинганилиги ҳақида мурожаат қилинган сана	Мурожаатнинг Шакли		Мурожаат қилган ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими	Мурожаатнинг кискача мазмуни ва тавсифи	Таклиф қилинган пора микдори, хукукбузарликка ундаш усули	Пора таклиф қилган шахснинг Ф.И.Ш.	Қабул қилинган якуний карор	Ҳолат юзасидан текширув ўтказиш вазифаси юклатилган ваколатли ходим Ф.И.Ш.
		Ёзма	Оғзаки						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

(китобнинг иккинчи қисми)

Т/Р	Мурожаат қайд этилган сана	Хукукни муҳофаза қилувчи органларга юборилган мурожаатнинг		Мурожаатнинг кискача мазмуни ва тавсифи
		санаси	раками	
1	2	3	4	5

* Изоҳ: мазкур китоб икки қисмдан иборат бўлтиб, китобнинг биринчи қисмига ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариши жараёнида коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар, китобнинг иккинчи қисмига ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариши жараёнида коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хукукни муҳофаза қилувчи органларга юборилган мурожаатлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларида коррупцияга оид ҳуқукбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳакида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чикиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги Тартибга З-илова

хамкорликда ходимларининг хизмат вазифаларини бажариши жараёнида коррупцияга оид хукукбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳакидаги мурожаатларни кўриб чиқиши ва улар юзасидан кўрилган чоралар тўғрисидаги

ХИСОБОТИ

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2019 йил 19 октябрдаги 374 сонли
буйруғига 6-илова

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши қурашиш бүйича комиссия таркиби

Комиссия раиси: Фавқулодда вазиятлар профилактикаси бүйича вазир ўринбосари.

**Комиссия раисининг
ўринбосари:** Режим хизмати бошлиги.

Комиссия аъзолари: Моддий-техник таъминот бошқармаси бошлиғи;
Кадрлар бошқармаси бошлиғи;
Қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи;
Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) мухофаза бошқармаси бошлиғи;
Фавқулодда вазиятлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи;
ФВДТни назорат қилиш хизмати бошлиғи;
Молия-иктисод бошқармаси бошлиғи;
Ахборот коммуникация технологиялари, алоқа ва хабар бериш тизимини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи;
Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи;
Бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи;
Назорат тафтиш бўлими бошлиғи;
Юридик бўлими катта офицери;
Матбуот хизмати бошлиғи;
Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси бошлиғи.

Комиссия кординатори: Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Ёнғин назорати ва профилактикасини ташкил этиш бўлими бошлиғи.

Комиссия котиби: Тарбиявий ишлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи.

Фавқулодда вазиятлар вазиригининг
2019 йил 10 октабрдаги №¹ сонли
буйруғига б-илова

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

Фавқулодда вазиятлар профилактикаси бўйича
вазир ўринбосари.

Комиссия раисининг ўринбосари:

Режим хизмати бошлиғи.

Комиссия аъзолари:

Моддий-техник таъминот бошқармаси бошлиғи;
Кадрлар бошқармаси бошлиғи;
Кутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи;
Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик)
муҳофаза бошқармаси бошлиғи;
Фавқулодда вазиятлар профилактикаси
бошқармаси бошлиғи;
ФВДТни назорат қилиш хизмати бошлиғи;
Молия-иктисод бошқармаси бошлиғи;
Ахборот коммуникация технологиялари, алоқа ва
хабар бериш тизимини ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи;
Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси
бошлиғи;
Бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўлими
бошлиғи;
Назорат тафтиш бўлими бошлиғи;
Юридик бўлими катта офицери;
Матбуот хизмати бошлиғи;
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Ёнғин
назорати ва профилактикасини ташкил этиш
бўлими бошлиғи.
Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси
бошлиғи.

Комиссия кординатори:

Тарбиявий ишлар ва хукуқбузарликлар
профилактикаси бўлими бошлиғи.

Комиссия котиби:

Тарбиявий ишлар ва хукуқбузарликлар
профилактикаси бўлими масъул ижрочиси.

Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2019 йил 19 Октябрдаги 540 онли
буйргуга 7-илова

**Вазирлик тизимида коррупция қарши қурашиш комиссия аъзоларига
худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларни бириктириш
РҮЙХАТИ**

№	Комиссия аъзоси	Вилоятлар
1.	Режим хизмати бошлиғи	Наманган вилояти
2.	Кадрлар бошқармаси бошлиғи	Қорақалпоғистон Республикаси
3.	Моддий-техник таъминот бошқармасибошлиғи	Навоий вилояти Қамчиқ МҚҚБ
4.	Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза бошқармаси бошлиғи	Жizzах вилояти ТҲҚРКТМ
5.	Фавқулодда вазиятлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи	Сурхондарё вилояти ФМИ
6.	ФВДТни назорат қилиш хизмати бошлиғи	Самарқанд вилояти Самарқанд ЁХББ ХБТ ва МОШ
7.	Молия-иктисод бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти ЁХИ
8.	Ишлар бошқармаси бошлиғи	Тошкент вилояти Марказий база
9.	Ахборот коммуникация технологиялари, алоқа ва хабар бериш тизимини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи	Андижон вилояти ММҚБ (99951 ж/к)
10.	Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи	Қашқадарё вилояти “Хавфсиз дарё” ДУК
11.	Бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўлими бошлиғи	Фарғона вилояти
12.	Назорат тафтиш бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри
13.	Юридик бўлим катта офицери	Хоразм вилояти
14.	Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бошқармаси бошлиғи	Сирдарё вилояти Навоий ЛУОК

Изоҳ: Ушбу лавозимлар вакант бўлган тақдирда бошқарма ёки бўлимларнинг бошка ходимлари томонидан вақтинча комиссия аъзоси вазифаларини бажариб боради.

Ушбу рўйхат 2020 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотади.